

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 21

«09» Декабрь 2022 й.

Муборак шаҳри

"Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi (tashkilot, korxonona nomi) keyingi ўринларда "Пудратчи" деб юритилади, узининг Низоми (низом, устав, ишоннома) асосида иш юритувчи бошлиғи А.Отамуродов (вазифаси, фамилияси, исми) бир томондан, Муборак туман Хокимлиги (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг Низоми (низом, устав, ишоннома) асосида иш юритувчи туман хокими А.Арипов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида тuzдилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома буйича "Пудратчи" «Буюртмачи»нинг буюртмасига ва тuzилган лойиҳа смета хужжатларига ҳамда 28.11.2022 йилда Ўзбекистон республикаси товар хом ашё биржасининг махсус порталига киритилган № 22110012198887 сонли лотга асосан Муборак туманидаги Муборак МФЙ да маҳалла биноси куриш ишларини бажаришни, «Буюртмачи» бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

2. ШАРТНОМА БУЙИЧА КЕЛИШУВ НАРХЛАР

2.1. Буюртмачи томонидан тақдим қилинган хужжатларга асосан маҳалла биноси куриш ишларининг яъни шартноманинг умумий суммаси **295 000 000 (Икки юз туксон беш миллион)** сумми ташкил қилади.

2.2. Таъмирлаш ишларининг бошланиши «09» 12 2022 йил.

2.3. Таъмирлаш ишларининг тугаши вақти «31» 12 2022 йил.

3. ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БУЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1. Таъмирлаш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2. Шартномадаги курсатилган авансни «Пудратчи» олгандан сунг-таъмирлаш ишларини бошлайди.

3.3. «Буюртмачи» томонидан таъмирлаш ишларини бажариш даврида «Пудратчи»га ўзи томонидан харид қилинган курилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4. Таъмирлаш тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган ҳар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5. Таъмирлаш тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тuzилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сунг таъмирлаш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

4. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

4.1. Ушбу шартноманинг умумий **295 000 000 (Икки юз туксон беш миллион)** ташкил қилади. Буюртмачи таъмирлаш ишларини бошлаш учун «Пудратчи»га шартнома суммасининг 30 % ёки **88 500 000 (Саксон саккиз миллион беш юз минг)** сумм 00 тийин микдорда олдиндан тулайди. Қолган 70 % ёки **206 500 0000 (Икки юз олти миллион беш юз минг)** сумм 00 тийин яъни якуний тўловни «Пудратчи» ишлар бажарилганлигини тадиқловчи хужжат ф-2, ф-3, ёки далолатнома тақдим қилингандан сунг амалга оширади.

4.2. «Буюртмачи» тўловни пул ўтказиш йули билан амалга оширади.

4.3. «Пудрат» ташкилоти томонидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўловлар амалга оширилмайди.

5. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Шартнома суммаси 295 000 000 (Икки юз туксон беш миллион) сумни бўлган таъмирлаш ишлари юқорида келишилган муддатда тугатиб бинони фойдаланишга топшириш.

5.2. Махсус таъмирлаш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3. Ҳар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган таъмирлаш ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилиши шарт. Агар таъмирлаш мазкур шартномада кўрсатилган муддатда пудратчининг айби билан фойдаланишга топширилмаса, у ҳолда буюртмачига қуйидаги тартибда жарима тўлайди:

- таъмирлаш муддати 30 кунга кечиктирилса, шартнома баҳосидан 0,2 % микдорида;

-кейинги 30 кун учун шартнома баҳосидан 0,3 % микдорида;

-ундан кейинги муддатлар учун 5 % микдорида;

Жарима санкцияси буюртмачи томонидан билдирилган ёзма равишдаги даъводан кейин 10 кун муддат мобайнида тўланиши шарт.

5.4. Пудратчи шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тугрисида 2- сонли далолатномани тузади..

6. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Шартномада курсатилган 4.1. ва 4.2. бандлари бузилса, «Буюртмачи» ҳар бир кечиктирилган кун учун шартноманинг туланмаган нарҳини 0 % микдорида «Пудратчига» жарима тўлайди.

6.2. «Буюртмачи» таъмирлаш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3. «Буюртмачи» тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ форма 2-3 ва далолатномани «Пудратчи» билан биргаликда тузади

7. КАФОЛАТЛАР

Пудратчи:

7.1. Барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъерлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Узи томонидан таъмирлаш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни уз вақтида бартараф қилишни;

Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

7.2. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг уз хисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи бартараф қилинмаган камчиликлар суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

7.3. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишнадзорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномани имзоланган кундан бошлаб қаида 3 уч ой этиб белгиланади.

8.ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

8.1.Ушбу шартнома буйича юзага келадиган бахс ва мунозаралар томонлар уртасида келишув йули билан, ёки томонлар узаро келиша олмаган холларда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ суд тартибида ҳал этилади.

9.ШАРТНОМАНИНГ КУЧГА КИРИШИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

9.1 Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси бюджет кодексининг 122-моддаси 3-бандига мувофиқ тегишли тартибда Газначилик булинмаларидан руйхатдан утказилгандан кийин қонуний кучга қиради. Шартноманинг амал қилиш муддати «31» декабр 2022 йилгача.

10. ФОРС МОЖОР

10.1 Айтиб бўлмайдиган, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даржада бажарилмаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.

11. БОШҚА ҲОЛАТЛАР.


11.1. Томонлар шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиб турадилар.

12. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«ПУДРАТЧИ»	
"Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi (ижрочининг номи)	
Манзил: Касби туман _____	
тел\факс 90 721 66 69	
Х\р 20208000704837601001	
Банк номи: "Trastbank" xususiy aksiyadorlik bank.	
МФО: 01109	ИНН: 301525151
ОКОНХ:	
Раҳбар: 	А.Отамуродов (Ф.И.Ш.)
	
М.У.	

«БУЮРТМАЧИ»		
Муборак туман Ҳокимлиги (буюртмачининг номи)		
Манзил: Муборак тумани Занжирсарой кучаси _____		
тел\факс __67-21-515_____		
бюджетдан маблаг олувчи		
ИНН :200 699 335 ОКОНХ: 97 600		
Шхр	400122860102347011204018001	
Газначилик булинмаси номи.		
Ўзб. Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги		
Х\р 2340 2000 3001 0000 1010		
Банк:Марказий банк Тошкент ш бошқармаси ХККМ		
МФО: 00014		ИНН: 201 122 919
Раҳбар: 	А.Арипов (Ф.И.Ш.)	
		
М.У.		

ЮРИСТ



М.Ибрагимов

09.12.2022 йил

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Муборак туман ҳокими

А.О.Арипов



“ 09 ” Декабр 2022 йил

№ 18

Муборак туман

Муборак туманидаги Муборак МФЙ да маҳалла биноси қуриш ишларини бажариш учун комиссиясининг

ТАНЛОВ КОНКУРС БАЁНИ:

Комиссия раиси раиси:

А.Арипов

АЪЗОЛАРИ:

А.Халиков

Ҳоким ўринбосари

Ш.Эронкулов

Хисобчи

Ф.Раджабов

Бош мутахасис

У.Авезов

Хужалик буйича мутахасис

Г.Тошева

Котиба

Кун тартибида қуриладиган масала:

Муборак туманидаги Муборак МФЙ да маҳалла биноси қуриш учун 2022 йил Декабр ойида "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi билан шартнома қилиш ва шартномани тасдиқлаш тугрисида.

Комиссия танлов конкурсга қатнашган вакилларнинг таклифларини кўриб чиқиб, Муборак туманидаги Муборак МФЙ да маҳалла биноси қуриш бўйича 2 та корхоналардан қатнашаётганлигини эълон қилди. Улар қуйидагича:

Танлов конкурс бўйича 2022 йил 28 Ноябрь кунида лот № 198887 сонли протокол эълон қуйилгандан кейин 2 та ташкилот узини таклифлари билан қатнашди ва энг юкори балл "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi олди ва 2 кун муҳокамада қуйилди ҳамда бошқа эътирозлар бўлмагандан "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi билан шартнома тузилди.

ТАНЛОВ КОНКУРС КОМИССИЯ ҚАРОРҚИЛАДИ:

1. "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi ғолиб деб топилсин.
- 2 "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" xususiy korxonasi томонидан маҳалла биноси қуриш ишларини бажариш учун шартнома тузиш ҳисобчи Ш.Эронкуловга топширилсин.
3. Ушбу баённома қарорини бажарилишини назорат қилиш ҳоким уринбосари А.Халиковга юклатилсин.

А.Халиков

Ҳоким ўринбосари

Ш.Эронкулов

Хисобчи

Ф.Раджабов

Бош мутахасис

У.Авезов

Хужалик буйича мутахасис

Г.Тошева

Котиба

(Handwritten signatures and initials in blue ink)

Signature 1 (top): *[Illegible]*

Signature 2 (middle): *[Illegible]*

Signature 3 (bottom): *[Illegible]*

№	Тарих	Содиротилган	Сана
1	2022 йил 15 июль	11 000 000	11 000 000
2	2022 йил 15 июль	11 000 000	11 000 000

(Faint, mostly illegible text, likely a ledger or report body)

1. Маълумотларнинг аниқлиги ва тўлқинлиги таъминланган.

2. Маълумотларнинг ҳақиқатлиги ва аниқлиги таъминланган.

3. Маълумотларнинг вақти ва тарихи таъминланган.

4. Маълумотларнинг шакли ва тарзи таъминланган.

5. Маълумотларнинг тарқатиши таъминланган.

6. Маълумотларнинг ҳиммати таъминланган.

7. Маълумотларнинг ҳиммати таъминланган.

8. Маълумотларнинг ҳиммати таъминланган.

9. Маълумотларнинг ҳиммати таъминланган.

10. Маълумотларнинг ҳиммати таъминланган.



MUBORAK TUMAN HOKIMLIGI

O'zbekiston Respublikasi, Qashqadaryo viloyati, Muborak shahri, Zanjirsaroy ko'chasi, 151/1- uy; Tel: 22-3-09; kompyuter 23-4-74

2022 yil "09" Dekabr

Muborak shahri

ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

Мен **Ибрагимов Усмон Ибрагимович** Муборак туман ҳокимлиги бош юрисконсулти вазифасида фаолият курсатаман .Ушбу кун буюртмачи **Муборак туман ҳокимлиги билан "Dasht qurilish ta'mirlash fayz" хусусий корхонаси** уртасида **295 000 000 (Икки юз туксон беш миллион)** сумлик Муборак туманидаги Муборак МФЙ да маҳалла биноси қуриш ишларини бажариш учун тузилган 2022 йил 09 декабрдаги № 21 сонли шартнома лойихаси билан танишиб чиқиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси туғрисида»ги қонун талаблари асосида тузилган Ушбу шартнома предмети товарнинг нархи ва тўлаш тартиби товарни уз вақтида бажариш шартлари тарафларнинг мажбуриятлари жавобгарлиги низоларни бартараф қилиш тартиблари форс-мажор ҳолатлари ҳамда тарафларнинг реквизитлари шартнома тузилган санаси ва тарафларнинг узаро келишувга эришиш лозим бўлган муҳим шартлари мавжуд.

Ушбу шартнома лойихаси Ўзбекистон Республикаси Қонун нормаларига туғри келади деб ҳисоблайман.

Муборак туман ҳокимлиги
бош юрисконсулти:

У.Ибрагимов